

гап ўтган эди. Бас, Холид уни сўқди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам:

«Саҳобаларимдан бирортасини ҳам сўқманглар! Сизлардан бирингиз Уҳуд мислича олтин нафақа қилса ҳам, улардан бирининг муддича ёки ярим муддичасига ета олмас», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилганлар.

Термизийнинг ривояти:

«Қачон саҳобаларимни сўқаётганларни кўрсангиз, «Сизнинг шаррингизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», денглар», дедилар».

Шарҳ: «Мудд» – оғирлик ўлчови.

Ушбу ҳадиси шарифдан бир неча хулосалар келиб чиқади:

1. Саҳобаи киромларни мутлақо сўқиб бўлмаслиги.
2. Саҳобаи киромларнинг қилган амаллари, жумладан, садақаларининг савоби ҳам кўп мартага зиёда қилиб берилиши.
3. Саҳобаи киромларни сўқиш шарр – ёмонлик эканлиги.
4. Саҳобаи киромларнинг сўқиладиганига гувоҳ бўлиб қолган киши у зотларни ҳимоя қилмоғи лозимлиги.
5. Саҳобаи киромларни сўққан одамларга: «Сизнинг шаррингизга Аллоҳнинг лаънати бўлсин», дейиш лозимлиги.

Юқорида ўрганган ояти карималар ва ҳадиси шарифлар саҳобаи киромларнинг фазллари қанчалик улуғ эканлигини, уларни эҳтиром қилиш ва эъзозлаш лозимлигини кўрсатади. Биз, мусулмонлар бу ишни ихлос билан бажармоғимиз лозим. Шу билан бирга, ўзимиз бу улуғ инсонларнинг ҳеч бирларини сўқишга журъат қилмаслигимиз, баъзи бир ушбу нобакорликни қиладиганлар чиқиб қолгудек бўлса, уларни бу ишдан қайтаришимиз керак бўлади.

Энди саҳобаи киромлар ҳақида асар бўлиб қолган баъзи бир фикрларни ҳам ўрганайлик.

Абу Нуъайм «Ҳилиятул авлиё»да Абдуллоҳ ибн Масъуднинг қуйидаги гапларини келтиради:

«Аллоҳ таоло бандаларининг қалбларига назар солиб, Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламни ихтиёр қилди ва у зотни Ўз рисоласи ила юбориб, Ўз илми ила танлаб олди. Сўнгра у зотдан кейинги одамларнинг қалбларига назар солди ва у зотнинг саҳобаларини танлаб олди. Бас, уларни Ўз динининг ёрдамчилари ва Набийсининг вазирлари қилди».

Абу Нуъайм Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Ким бировнинг суннатини оладиган бўлса, вафот этган кишининг суннатини олсин. Муҳаммад соллalloҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари ушбу умматнинг энг қалби яхшилари, энг илми чуқурлари ва энг такаллуфи озлари эдилар. Улар Аллоҳ таоло

томонидан У Зотнинг Набийсига саҳоба бўлиш учун ва У Зотнинг динини нақл қилиш учун танлаб олинган қавм эдилар. Бас, уларнинг ахлоқлари ва тутган йўлларига ўхшашга урининглар. Каъбанинг Роббиси бўлган Аллоҳ ила қасамки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобалари мустақим ҳидоятда эдилар». («Ҳадис ва Ҳаёт» китобидан). Валлоҳу аълам!